



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги йиғилишида иштирок этди.



Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган саммитда Кенгаш Фахрий раиси, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти

— Элбоши Нурсултон Назарбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қирғиз Республикаси

Президенти Садир Жапаров, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, ЕОИИ хузуридаги қузатувчи мамлакат — Куба Республикаси Президенти Мигель



Бермудес ва Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати раиси Михаил Мясникович қатнашди.

Йиғилиш кун тартибидан ЕОИИ маконида ўзаро манфаатли ҳам-

корликни янада ривожлантириш ва интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, жумладан, иқтисодиёт, савдо, sanoat, транспорт, божхона маъмуриятчилиги, рақамлаштириш

ва бошқа йўналишларда амалий шерикликни кенгайтириш масалалари ўрин олди.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!

Хурматли Нурсултон Абишевич!

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши навбатдаги йиғилишининг барча иштирокчиларини қутлашдан бағоят мамнунман.

Ҳамкасбларимнинг сўзларига қўшилган ҳолда, Қозоғистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги муваффақиятли раислигини қайд этмоқчиман.

Қозоғистонлик ҳамкорларимиз ташаббуси билан Бирлашма доирасидаги кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга хизмат қилган муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги конструктив ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган қўшма тадбирлар қўллаб-қувватлангани учун алоҳида миннатдорлик билдирман.

Хурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Республикаси Евроосиё иқтисодий кенгашига қузатувчи сифатида қўшилганига роппа-роса бир йил бўлди.

Ўтган даврда биз узоқ муддатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратдик.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан тизимли ва самарали иш йўлга қўйилди.

Меморандум ва уч йиллик аниқ Чора-тадбирлар режаси амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқининг бошқа органлари ишида ҳам фаол қатнашмоқда.

Биз миллий қонунчилиқни Евроосиё иқтисодий иттифоқи нормалари билан, биринчи навбатда, стандартлаштириш ва ташқи савдонотириф тартибга солиш чоралари соҳасида яқинлаштириш масаласида изчил ҳаракат қилмоқдамиз.

Юртимиз "COVID19 савҳат қиламан" рақамли платформасига уланди.

Ўзбекистоннинг Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиш жараёни бошланди.

Бугунги давр қийинчиликларига қарамай, мураккаб шароитларга мослашиш ва янги "ўсиш нуқталари"ни излаб топишга муваффақ бўляпмиз.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси жорий йилнинг 11 ойида 30 фоизга ортди.

Айни пайтда, пандемиядан аввалги 2019 йил билан таққослаганда, Бирлашма мамлакатлари билан ўзаро савдомиз 11 фоизга ошди.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Ўзбекистон Ташкилотимизга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларда ижобий суръатни сақлаб қолиш ва уларни барқарор ривожлантириш бўйича ўзаро келишилган чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши тарафдоридир.

Шу муносабат билан қўшма қарорлар қабул қилишни тақозо этаётган энг долзарб вазифаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи. Ўзаро савдодаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этишни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан товар айирбошлашни кўпайтириш учун

қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги ёндашув ва механизмларни биргаликда ишлаб чиқишга тайёرمىз.

Техник тартибга солиш нормалари, санитария, фитосанитария ва ветеринария талабларини уйғунлаштириш ишларини давом эттирмоқдамиз.

Бу борада Евроосиё иқтисодий комиссияси билан биргаликда алоҳида "Йўл харитаси"ни келишиш жараёнини якунляпмиз.

Иккинчи. Аввалги саммитда sanoat кооперациясини чуқурлаштириш муҳим экани хусусида анча сўз юритилди.

Бугун ушбу йўналишдаги ишларимиз иштирокчи давлатлар билан кўпроқ икки томонлама асосда олиб борилмоқда.

Биз Россия, Қозоғистон, Беларусь ва Қирғизистон билан sanoat кооперациясини мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харита"ларини қабул қилганимиз ва изчил амалга оширяпмиз.

Бирлашма билан тегишли ҳамкорлиқни тизимли асосда ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, Евроосиё иқтисодий кенгашининг Индустриялаштириш онлайн харитасини яратишда иштирок этишга тайёرمىз.

Учинчи. Янги транспорт йўлакларини барпо этиш лойиҳаларини илгари суриш мамлакатларимиз транзит салоҳиятини ошириш борасидаги биргаликдаги ишларга қўшимча суръат бағишлайди.

Ўзбекистоннинг бугун имзоланаётган битимга мувофиқ амалга оширилаётган юк ташишларни

қузатиш учун навигация тамгаларини жорий этиш бўйича дастурга қўшилиш имкониятини кўриб чиқмоқдамиз.

Евроосиё иқтисодий иттифоқининг Логистика заңжирларини ривожлантиришнинг рақамли экотизимини яратиш тўғрисидаги янги ташаббус ҳам бизда қизиқиш уйғотмоқда.

Туртинчи. Глобал иқлим кун тартибини ҳисобга олиб, аъзо ва қузатувчи давлатларнинг "яшил" энергетика лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги сайй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимдир.

Шу муносабат билан, ҳозиргина Владимир Владимирович айтган Юқори даражадаги ишчи гуруҳга қўшилишга тайёرمىз ҳамда унинг доирасида "яшил" тараққиёт соҳасидаги қўшма Чора-тадбирлар режасини тасдиқлашни таклиф этамиз.

Бешинчи. Рақамли иқтисодиётга ўтиш, инновациялар ва илгор IT-ечимлари кенг жорий қилиш мамлакатларимиз рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бу борада билим, тажриба ва илгор технологиялар алмашиш, мамлакатларимиз IT-парклари ва марказлари ўртасида тизимли ҳамкорлиқни ривожлантириш, соҳада ишбилармонлар шериклигини кенгайтириш мақсадида навбатдаги Евроосиё рақамли форумини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этамиз.

Олтинчи. Евроосиё маконидаги муҳим ишбилармонлик ташаббуслари ва дастурларини амалга оширишга қузатувчи давлатларни янада фаол жалб этиш юзасидан ўзаро келишилган

таклифлар тайёрлаш, илмий-техник ва гуманитар алмашувни рағбатлантириш мақсадида Евроосиё иқтисодий иттифоқи Тараққиёт маркази имкониятларидан самарали фойдаланиш ниятидамиз.

Бунинг учун марказ негизида мамлакатларимиз тараққиёт институтларининг фаол иштирокида ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари бўйича туркум тадбирлар ўтказишни таклиф этамиз.

Еттинчи. Иқтисодий интеграция мақсадларидан келиб чиқиб, қузатувчи мамлакатларнинг Евроосиё иқтисодий комиссияси Кенгаши ва органлари ишида иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришни истардик.

Бу ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва қўшма қарорларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Хурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни чуқурлаштиришнинг қатъий тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлайман.

Сўзим якунида Евроосиё иқтисодий иттифоқи-га раислик Қирғизистонга ўтгани муносабати билан Қирғиз Республикаси Президенти, хурматли Садир Нурғожиевич Жапаровга катта муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, хурматли дўстлар, сизларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриқлайман, мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва ўз олдингизга қўйган мақсадларнинг рўёбини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ СОҲАСИДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 декабрь куни эндокринология хизматини такомиллаштириш ва қамровини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Эндокринология инсон саломатлигини, ҳаёт сифатини таъминлашда энг муҳим соҳалардан бири. Сўнгги йилларда эндокринология соҳасини такомиллаштиришга қаратилган алоҳида дастур амалга оширилди.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг 14 та филиали моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бу филиалларда махсус бўлимлар ташкил этилгани боис, республика марказига мурожаатлар 2 баробарга камайди. Яъни қарийб 5 минг нафар фуқаронинг оворасидаги бемор инсулин билан бепул таъминланмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси йод етишмайдиган ҳудудда яшайди. Оқибатда, қалқонсимон без касаллиги кўп учрайди. Сўнгги беш йилда эндокрин касалликлар 20 фоизга ортди, ёшлар орасида ҳам кўпайган.

Умуман, ўтказилган хатловлар натижасига кўра, юртимиз бўйича 2 миллион аҳолининг 6 фоизига бу каби касалликлар аниқланган. Туманларда қонни таҳлил қилишга шароит ва мутахассислар етишмаслиги оқибатида касалликнинг оғир асоратлари бўлган кўз, буйрак ва тўпиқ касалликлари бўйича пойтахтга мурожаатлар ошган.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфраструктура объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш мақсадида:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг туман (шаҳар) марказларига яқин ва уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда Фарона вилояти Бағдод

туманида барпо этилган “Мурувват” массиви намунаси асосида “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2022 йилда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивларининг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, “Янги Ўзбекистон” массивларида кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилади. Бунда:

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, аҳолининг уй-жойга бўлган юқори талабини қондириш, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тақдим этиш ишларини давом эттириш, хусусий пудрат ташкилотларини замонавий кўп қаватли уйлар қурилишга кенг жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-32-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2021 йил 10 декабрдан бошлаб бозор тамойилла-

рига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш тартиби доирасида:

даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга Давлат бюджетидан субсидиялар тўлашда квартира майдонининг энг кўп меъёрини белгилаш амалиёти бекор қилинади;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ҳар йили бир қарз олувчи аждар тиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун субсидия миқдори тасдиқланади;

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ХУДУДЛАРНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ости ер участкалари тadbиркорлик субъектларига электрон онлайн-аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида реализация қилинади;

кўп қаватли уй-жойларга туташ ер участкалари уй-жой қуриб битказилганидан кейин маҳаллий ижроия ҳокимлик органининг тегишли қарори билан кўп қаватли уй-жой мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиб берилади; массивларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер участкалари тadbиркорлик субъектларига белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали мулк ва ижара ҳуқуқлари асосида реализация қилинади;

электрон онлайн-аукционда ғолиб деб топилган тadbиркорлик субъектларига кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун “ССС” ва ундан юқори рейтингга эга бўлган қурилиш ташкилотларини жалб қилишга рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон қарорига мувофиқ халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукционга қўйишда ер участкасининг бошланғич нархини 50 фоизгача камайтириш ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Янги Ўзбекистон” массивларида ташқи муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини қуришда қуйидагилар:

а) буюртмачи этиб: массивларнинг қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳудудларни обodonлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини қуриш бўйича — тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари ҳамда “Янги Андижон” шаҳрида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси” ДУК;

автомобиль йўлларини қуриш бўйича — Автомобиль йўллари қўмитаси;

иситиш қозонхоналари ва иссиқлик тармоқларини қуриш бўйича — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

ичимлик ва оқова сув таъминоти тармоқларини қуриш бўйича — “Ўзсувтаъминот” АЖ;

электр ва газ таъминоти тармоқларини қуриш бўйича — “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖ;

алоқа тармоқларини қуриш бўйича — “Ўзбектелеком” АЖ белгилансин;

б) массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачи этиб “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ, “Ўзшаҳарсозлик-ЛИТИ” ДУК, “ТошуйжойЛИТИ” АЖ ва “Тошкент-бошлангЛИТИ” ДУК белгилансин;

в) ташқи муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари қурилишини амалга оширувчи пудрат ташкилотлари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқлансин.

4. Белгилансинки, “Янги Ўзбекистон” массивларида қуйидаги ишлар:

массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ташқи автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув таъминоти тармоқларини қуриш — Давлат бюджетте маблағлари, ҳудудларда ташкил этиладиган тadbиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

ташқи электр ва газ таъминоти тармоқларини қуриш — “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖларнинг ўз маблағлари ҳамда асосланган ҳисоб-китобларга кўра Давлат бюджетидан ажратиладиган қисқа муддатли фоизли ссудалар ҳисобидан;

кўп қаватли уй-жойларни қуриш — тadbиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

ҳудудларни обodonлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш — маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан; ижтимоий соҳа объектлари (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, тиббиёт пунктлари, иситиш қозонхоналари ва бошқалар)ни қуриш — Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда, ижтимоий соҳа объектлари давлат-хусусий шериклик асосида қурилганда, ушбу ишлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ бажарилади.

5. Молия вазирлиги (Ишметов) 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ўзлаштирилмаган 300 миллиард сўм миқдоридagi маблағларни тенг улушларда Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси ҳисобрақамига ўтказсин.

6. Ушбу Фармоннинг 2-иловасида кўрсатилган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган паст рента-

белли 489 гектар ер майдонлари “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш учун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан тегишинча аҳоли пунктларининг ерлари ҳамда саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини мазкур Фармонга мувофиқ олиб қўйиш сабабли қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари ундирилмайди;

ушбу ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида 2023 йил 1 январга қадар ушбу Фармон билан тоифаси ўзгараётган суғориладиган ер участкалари майдонининг беш баравари миқдоридa янги ерлар ўзлаштирилишини таъминласин. Бунда, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган янги ер участкалари Кадастр агентлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинганидан сўнг ўзлаштирилган ҳисобланади.

Кадастр агентлиги (Умаров) Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ходжаев) билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган янги ер участкалари ўз вақтида ва белгиланган миқдорда ўзлаштирилишини қатъий назорат қилсин.

7. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг “Янги Ўзбекистон” массивлари билан биргаликда олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг бўш турган ер участкаларида ҳам уй-жойларни қуришни давом эттириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш вазирлиги (Зокиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифларига асосан бир ой муддатда олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг бўш турган ер участкаларида ва уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда қуриладиган уй-жойларнинг манзилли рўйхатини ва қурилиш параметрларини тасдиқласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасдиқланган манзилли рўйхат асосида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ
УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олган шахслар ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг уй-жой қийматининг камида 5 фоизига тенг бўлган қисмини ўз маблағлари ҳисобидан шакллантиради; сотиб олинadиган квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдоридa, фoиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — биринчи беш йил давомидa 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади;

дастлабки бадал ва фoиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда ҳам тўланади. Бунда, сотиб олинadиган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, қийматининг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан дастлабки бадал суммасини ошириш орқали тўланади;

фуқароларга ипотека кредитини олишда, биргаликда қарз олувчи сифатида улар билан бирга яшамаётган ва яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахсларни ҳам жалб қилиш ҳуқуқи берилади;

Молия вазирлигининг ресурслари тижорат банкларига тўғридан-тўғри ёки “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ орқали жойлаштирилади;

тижорат банкларига қарз олувчи томонидан тўланган дастлабки бадал миқдори, унинг қарз юки кўрсаткичи, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратилган ипотека кредитларни бўйича табақалаштирилган фoиз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилади.

2. Қуйидагилар:

2022 йилда квартиралар сотиб олиш ва яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун ипотека кредитлари ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2022 йилда ипотека кредитлари бўйича

субсидиялар ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

2022 йил учун бир қарз олувчига ажратилadиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун қатъий белгиланган субсидия миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджет даромадларининг олиб чиқаришдан қисми ҳисобидан ушбу фармон билан тегишли ҳудуд учун белгиланган ипотека кредитлари ва субсидиялар сонини оширишга рухсат берилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича ўтказилган электрон онлайн-аукцион ғoлибларига лoт қийматининг 30 фоизини аукцион яқунланган кундан бошлаб беш иш кундан кечиктирмай, қолган қисмини 12 ой давомидa тенг миқдорда фoизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади;

б) 2022 йил 1 январдан бошлаб пудрат ташкилотларига давлат рўйхатидан ўтказилган қурилиши тугалланмаган, тои ёпиш ишлари бажарилган кўп квартирали уй-жойларни кредит таъминоти сифатида гаровга тақдим этишга рухсат этилади;

в) 2023 йил 1 январга қадар: цемент маҳсулоти (ТИФ ТН коди 2523) ва энергия тежамкор базальт қопламалари (ТИФ ТН коди 6806 1000 08) импортида божхона божининг ноль ставкаси қўлланилади;

“Янги Ўзбекистон” массивларида, шунингдек, олдинги йилларда барпо этилган массивларда ва уларнинг бўш турган ер участкаларида уй-жой қурувчи ташкилотлар учун цемент ҳамда металл прокатини сотиш бўйича алоҳида биржа савдо секцияси жорий қилинади;

г) 2024 йил 1 январга қадар рўйхати 4-иловада кўрсатилган янги қурилиш ва махсус техникалар ҳамда юк ташви транспорт воситалари импортида божхона божи ва утилизация йиғинининг ноль ставкаси қўлланилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон қарори билан жорий этилган хусусий пудрат ташкилотларининг тижорат банкларидан олган кредитлари

бўйича Тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қафиллик ва компенсация тўлаш тартиби 2022 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, кафиллик ва компенсациялар Тошкент шаҳрида — 9 ва ундан юқори, бошқа шаҳарларда — 7 ва ундан юқори, қишлоқ жойларда — 5 ва ундан юқори қаватли уй-жой қурилиши учун ажратилган ва битта уй-жой учун кредитнинг 10 миллиард сўмдан ортқ бўлмаган қисми бўйича берилади.

Бунда, кафиллик ва компенсациялар қуриладиган кўп қаватли уй-жойдаги жами квартиралар сонининг камида 70 фоизи майдони 70 квадрат метрдан ошмаган квартиралар ташкил этганда берилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2021 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли параметрлари доирасида:

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олиш бўйича аризалар 2021 йил 20 декабргача қабул қилинади ва 2021 йил 25 декабргача қўриб чиқилади;

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномалар улар берилган вақтдан бошлаб 12 ой давомидa амал қилади;

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олган шахсларга ипотека кредитлари ва субсидиялар 2021 йил 10 декабрга қадар амалда бўлган шартлар ва миқдорларда ажратилади;

субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг майдони ва нархи 2021 йил учун ўрнатишган квартира майдонининг энг кўп меъёри ва уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ошган тақдирда ҳам тўланади. Бунда, сотиб олинadиган квартиранинг нархи уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ошиб кетган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади;

б) 2022 йил учун ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли параметрлари доирасида аризалар 2021 йил 25 декабрда бошлаб қабул қилинади.

6. Молия вазирлиги (Ишметов) Марказий

уй-жой қуриш учун ер участкаларининг белгиланган тартибда электрон онлайн-аукционга чиқарилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларда қурилиш ишларини ташкил этишга “Қишлоқ қурилиш инвeст” ИК МЧЖ ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвeст” ИК МЧЖларни жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда 2022 йилда “Янги Ўзбекистон” массивларига туташ ва яқин ҳудудларда ташкил этиладиган кичик саноат зоналари ва технопарклар рўйхатини тасдиқласин.

10. Қурилиш вазирлиги (Закиров):

а) 2022 йил 1 июнга қадар 2023-2026 йилларда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивларининг манзилли рўйхатини шакллантирсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

б) бир ой муддатда:

“Янги Ўзбекистон” массивларида қуриш учун таклиф этиладиган кўп қаватли уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва лойиҳа ечимларини ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирсин;

кўп қаватли уй-жойлар қурилишида энергия тежамкор материаллардан фойдаланишни назарда тутувчи талабларни ишлаб чиқсин ва уларнинг шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилишини таъминласин;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига кўп қаватли уй-жойларнинг ертўлаларини фойдали майдон сифатида ишлатиш бўйича тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кўп қаватли уй-жойларни лойиҳалаш ва қуришда белгиланган қурилиш нормалари ва қоидаларига, қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларини бажариш сифатига қатъий риоя этилиши бўйича ташкилий-техник тadbирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

г) тadbиркорлик субъектлари томонидан кўп қаватли уй-жойларни қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган муд-

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 9 декабрь	

датларда тайёрланиши, келишилиши ва қурилиш ишлари бошланишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Кўчмoв) Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

12. Қурилиш вазирлиги (Закиров) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) билан биргаликда бир ой муддатда уй-жой қурилиш кластерларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Бош прокуратура (Юлдашев) “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилишида нархларнинг асосиёз оширилиши, рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳамда тасдиқланган лойиҳаларнинг ўзёшимчалик билан ўзгартрилишига йўл қўймаслиқ устидан таъсирчан назорат ўрнатсин.

14. Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Д.К.Адиловга “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, уларда маҳаллий замонавий қурилиш материаллари ва усқуналарини кенг қўллаш орқали уй-жойларнинг нархини пайсaйтириш ҳамда қурувчи ташкилотлар учун қулай шарт-шарoитлар яратиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишга масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж.Раматов ва Ж.А.Қўчқоров, молия вазири Т.А.Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бoриш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чoра-тadbирлар натижadorлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бeриб бoрилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 9 декабрь	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 9 декабрь	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ
УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

субсидиялар ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

2022 йил учун бир қарз олувчига ажратилadиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун қатъий белгиланган субсидия миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджет даромадларининг олиб чиқаришдан қисми ҳисобидан ушбу фармон билан тегишли ҳудуд учун белгиланган ипотека кредитлари ва субсидиялар сонини оширишга рухсат берилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича ўтказилган электрон онлайн-аукцион ғoлибларига лoт қийматининг 30 фоизини аукцион яқунланган кундан бошлаб беш иш кундан кечиктирмай, қолган қисмини 12 ой давомидa тенг миқдорда фoизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади;

б) 2022 йил 1 январдан бошлаб пудрат ташкилотларига давлат рўйхатидан ўтказилган қурилиши тугалланмаган, тои ёпиш ишлари бажарилган кўп квартирали уй-жойларни кредит таъминоти сифатида гаровга тақдим этишга рухсат этилади;

в) 2023 йил 1 январга қадар: цемент маҳсулоти (ТИФ ТН коди 2523) ва энергия тежамкор базальт қопламалари (ТИФ ТН коди 6806 1000 08) импортида божхона божининг ноль ставкаси қўлланилади;

“Янги Ўзбекистон” массивларида, шунингдек, олдинги йилларда барпо этилган массивларда ва уларнинг бўш турган ер участкаларида уй-жой қурувчи ташкилотлар учун цемент ҳамда металл прокатини сотиш бўйича алоҳида биржа савдо секцияси жорий қилинади;

г) 2024 йил 1 январга қадар рўйхати 4-иловада кўрсатилган янги қурилиш ва махсус техникалар ҳамда юк ташви транспорт воситалари импортида божхона божи ва утилизация йиғинининг ноль ставкаси қўлланилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон қарори билан жорий этилган хусусий пудрат ташкилотларининг тижорат банкларидан олган кредитлари

бўйича Тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қафиллик ва компенсация тўлаш тартиби 2022 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, кафиллик ва компенсациялар Тошкент шаҳрида — 9 ва ундан юқори, бошқа шаҳарларда — 7 ва ундан юқори, қишлоқ жойларда — 5 ва ундан юқори қаватли уй-жой қурилиши учун ажратилган ва битта уй-жой учун кредитнинг 10 миллиард сўмдан ортқ бўлмаган қисми бўйича берилади.

Бунда, кафил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти ўз нутқининг аввалида Қозоғистоннинг ЕОИИ-даги раислиги муваффақиятли бўлгани ва унинг ташаббуси билан Бирлашма доирасида муҳим қарорлар қабул қилинганини таъкидлаб, Қозоғистон мамлакатимиз ва Ташкилот ўртасидаги конструктив ҳамкорлиқни мустақамлашга қаратилган қўшма тадбирларни қўллаб-қувватлаганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон ЕОИИ фаолиятида қузатувчи давлат сифатидаги иштирокини бошлаганидан ўтган бир йил мобайнида уч йиллик Чора-тадбирлар режаси доирасида Бирлашманинг турли органлари, энг аввало, Евроосиё иқтисодий комиссияси (ЕИК) билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидланди.

Миллий қонунчилиқни ЕОИИ нормаларига, биринчи навбатда стандартлаштириш ва ташқи савдони нотариф тартибга солиш соҳаларида яқинлаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Мамлакатимиз "COVIDсиз саяхат қиламан" рақамли платформасига уланди. Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиш жараёни бошланди.

Бугунги даврнинг қийинчиликларига қарамай, мураккаб шароитларга мослашиш ва янги "ўсиш нүкталари"ни топишга муваффақ бўлиняётгани қайд этилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Ташкилот мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми жорий йил боши-

дан 30 фоизга, 2019 йилга нисбатан эса 11 фоизга ортди.

Президентимиз қўшма қарорлар қабул қилишни тақозо этаётган энг долзарб вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Иқтисодий алоқаларни барқарор ривожлантириш учун ёндашувларни янада мувофиқлаштириш зарурлигини қайд этиб, Ўзбекистон етакчиси ўзаро савдода тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш муҳим эканини таъкидлади. Шу муносабат билан юртимиз ЕОИИ мамлакатлари билан товар айирбош-лашни кўпайтириш учун энг қулай шароитлар яратиш борасидаги ёндашув ва механизмларни биргаликда ишлаб чиқишга тайёрлиги билдирилди.

Давлатимиз раҳбари sanoat кооперациясини мустаҳкамлашнинг долзарб аҳамиятини яна бир бор таъкидлаб, бу борада, шу жумладан, Ташкилот доирасида Индустриаллаштириш онлайн харитасини яратишда иштирок этиш орқали ҳамкорлиқни тизимли асосда йўлга қўйиш тақлифини илгари сурди.

Президентимиз янги транспорт йўлакларини яратишга қаратилган, мамлакатларимиз транзит салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган лойиҳаларни янада фолпрқ илгари суришга чакирди.

Ўзбекистон юк ташишларини қузатиш учун навигация тамгаларини жорий қилиш дастурига қўшилиши мумкинлиги қайд этилди. ЕОИИ логистика занжирларини ривожлантириш рақамли экотизимини яратиш тўғрисидаги ташаббус қўллаб-қувватланди.

Иштирокчиларнинг эътибори глобал иқлим кун тартибини ҳисобга олган ҳолда "яшил" энергетика лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги саяёҳаракатларини бирлаштириш зарурлигига қаратилди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Ўзбекистон юқори даражадаги Ишчи гуруҳи фаолиятида иштирок этишга тайёр эканини билдирди ҳамда унинг доирасида "яшил" тараққиёт соҳасида Чора-тадбирлар режасини тасдиқлашни тақлиф этди.

IT соҳасида тажриба алмашиш ва ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди ва шу муносабат билан навбатдаги Евроосиё рақамли форумини Ўзбекистонда ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Қузатувчи давлатларни Евроосиё маконидаги долзарб ташаббуслар ва кооперация дастурларини амалга оширишга янада фаол жалб этиш, шунингдек, илмий-техник ва гуманитар алмашинувларни рағбатлантириш зарур экани таъкидланди. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ЕОИИ Тараққиёт маркази имкониятларидан фойдаланишни ҳамда қузатувчи мамлакатларнинг Кенгаш ва ЕИК органлари ишида иштирок этишини тақлиф этди.

Президентимиз нутқининг якунида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга иштилоқи қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

ЎЗА

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, йиғилишда соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш, айниқса, бирламчи бўғинни яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

— Эндокрин касалликларини бирламчи бўғинда эрта аниқлаш учун мураккаб ускуналар харид қилиш шарт эмас. Лабораторияларни жиҳозлаш, зарур реактивлар билан таъминлаш ва нафақат эндокринолог, балки оилавий шифокорларни ҳам тайёрлаш катта самара беради, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари бу борада янги тизим жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Эндокрин касалликларини барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

Унга қўра, энг аввало, оилавий ва эндокрин шифокорлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилади. Бунинг учун жойларда ташкил этилган тиббиёт бригадалари, ҳамшира кўриги хоналари ва Саломатлик мактаблари роли қучайтирилади.

Масалан, бирламчи шифокор кўриги жараёнида 10 турдаги тахиллини йўлга қўйиш орқали вилоят марказларига мурожаатларни 50 фоизга қисқартириш мумкинлиги айтилди.

Шунингдек, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш мақсадида келгуси йилдан 40 ёшдан ошган аҳоли йилгига камида бир марта манзилли скринингдан ўтказилади. Эндокрин касаллик аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри ишга туширилади. Ҳар бир тиббиёт бригадаси экспресс-

тестлар ўтказиш учун глюкометр билан таъминланади.

Келгуси йил 1 июлдан ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар, 3-15 ёшдаги болаларга бепул йод препаратлари берилди. Қандли диабет учун метформин дорилари 200 мингдан зиёд эҳтиёжманд аҳолига бепул тарқатилади. Маҳалладаги беморлар ва диабетга мойиллиги бор аҳолига касаллиқни бошқариш ўргатилади.

Мутасаддиларга ушбу тизимни жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бирламчи бўғин учун зарур мутахассисларни тайёрлаш, дорилар ишлаб чиқариш ва оилавий поликлиникалар орқали тақсимлаш чоралари белгиланади.

Йиғилишда тиббиёт муассасаларида лаборатория хизматлари кўрсатишини янги асосда йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жўмладан, туманларда энг зарур лаборатория текширувларини йўлга қўйиш орқали кўрсатиладиган хизматларни 5 тадан 17 тага етказиш ва республикага мурожаатларни 20 фоизга камайтиришга эришиш мумкин.

Шу муносабат билан лаборатория таҳлиллари нормативларини халқаро тажриба асосида тўлиқ қайта кўриб чиқиш ва янгилаш зарурлиги таъкидланди.

Туманларда оилавий ва марказий поликлиника, марказий шифохона ҳамда шешинч тиббий ёрдам бўлими лабораториялари мабқуллаштирилиб, туун-кун ишлайдиган марказий лабораториялар ташкил этилади. Улар оилавий поликлиника ва шифокор пунктларидан материалларни ййиб олиш учун транспорт воситалари билан таъминланади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН МУҲАНДИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ АСОСИДА ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда чекланган сув захираларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерлари биофондини тиклаш, шўрланган ва эрозияга учраган майдонларни қайта фойдаланишга кириштиш, экотизимлар биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, "яшил энергетика" ва агротехнологиялар каби муҳим йўналишларда таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансферини самарали йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Бундай долзарб глобал муаммоларни ечиш учун инвестициялар ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятини янги bosқичга қўтариш ҳамда ишланмаларни амалиётда қўллашга қўри бўлган муҳандисларни тайёрлаш масалалари устувор аҳамият касб этди.

Республикада инновацион таълим ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш, олий таълим муассасалари фаолият йўналишларини тубдан тақомиллаштириш, уларнинг халқаро нуфузини ошириш, самарали бошқарув тизимини ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети (кейинги ўринларда — Университет) деб қайта номлансин.

2. Қўйдагилар Университетнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин: гидроэнергетика, ирригация тизимларини бошқариш, сув хўжалиғи объектлари қурилиши, кадастр ва геоинформатика, "яшил иқтисодиёт", "яшил энергетика", экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, қишлоқ хўжалиғи машинасозлиги, рақамли технологиялар тармоқлари учун олий маълумотли муҳандис кадрларни тайёрлаш;

суғориш тизимлари самарадорлигини ошириш, тежамкор суғориш технологияларини яратиш, "рақамли қишлоқ хўжалиғи" ва геоахборот тизимлар асосида ерларнинг мелiorатив ҳолатини баҳолашни йўлга қўйиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг тақомиллашган усулларини ишлаб чиқиш;

замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантириш, уни илгор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш ва уларнинг трансфери бўйича самарали тизимни шакллантириш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар натиждорлигини ошириш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва бошқариш тизимини тақомиллаштириш, гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишни рақамлаштириш борасида илмий ечимларни ишлаб чиқиш;

илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш. Университет профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) магистратура ва докторантура дастурлари бўйича тахсил олишларини ташкил этиш;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли тахлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жўмладан, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, таълим ва тадқиқотни уйғунлаштириш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун энг илгор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш; тасарруфидagi иختисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Белгилансинки, Университет гидроэнергетика,

иригация, мелiorация, қишлоқ хўжалиғида инновацион техника ва технологиялар, сув тежовчи суғориш технологиялари, қайта тикланувчи энергия манбалари, геодезия ва геоинформатика, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишларида кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университет фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (С.У.Умурзаков):

а) қўйдаги вазифалар юклатилсин:

Университетнинг молиявий йил учун мўлжалланган бизнес-режасини, узок ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ илмий-тадқиқот институтилари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш;

қишлоқ ва сув хўжалиғи технологиялари йўналишида таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансфери жараёнларини ривожлантириш ҳамда илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича буюртмачилар билан манфаатли ҳамкорлиқни ўрнатиш;

илмий махсулотларни тижоратлаштириш, стартап ва акселератор фаолиятларини йўлга қўйиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига инвестицияларни жалб этиш, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш;

б) қўйдаги ваколатлар берилсин:

иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда янги бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш, шунингдек, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш;

ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

Университет ва унинг тасарруфидagi таълим ташкилотлари тузилмаларини тасдиқлаш;

Университетнинг ташкилий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилгандан янги лавозим ва таркибий бўлинмалар ҳамда қўшимча штат бирликларини жорий этиш.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Университетда Трансформация офисини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Трансформация офисини қўйдагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳамда 2025 йилга қадар халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш;

Университетни танитиш бўйича миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали тарғибот тадбирларини ўтказиш ва реклама қилиш;

Университетдаги турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашда қозғош шаклидан воз кечиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва ҳужжатлар айланимасини рақамлаштирувчи "Рақамли Университет" платформасига тўлиқ ўтишини таъминлаш.

Белгилансинки, Трансформация офисини раҳбари лавозини, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари бўйича Университет проректорига тенглаштирилади.

5. Университетга 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб қўйдаги ваколатлар берилсин:

а) академик мустақиллик соҳасида:

ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш;

илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш ва уларнинг таркибини тасдиқлаш;

тегишли иختисосликларда илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ҳамда республикадаги бошқа олий таълим муассасалари томонидан берилган илмий унвон ва илмий даражаларни тан олиш, шунингдек, докторант ва мустақил ишланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун таълим давомийлиги муддатларини белгилаш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда талабгорларни қабул қилиш;

магистратура bosқичида таълимнинг сиртқи, масофавий ва кечки шаклларини жорий этиш, шунингдек, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қўш малакалар ҳамда касбий малакалар бериш тизимини жорий қилиш;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан ички академик мобиллиқни амалга ошириш;

Университет ва унинг тасарруфидagi таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш;

б) ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасида:

фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илмфан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларини ташкил этиш;

педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибини белгилаш;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ваколатлар Университет томонидан мустақил равишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Университетни 2022 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Бунда, Университетга ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари учун берилган барча ваколат ва ҳуқуқлар татбиқ этилади.

7. Қўйдагилар:

2025 йилга қадар "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетини трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастури 2-иловага мувофиқ;

"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетининг халқаро нуфузини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 3-иловага мувофиқ;

"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети мутахассислик кафедраларини илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларга бириктириш жадвали 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг қўйдаги тақлифлари маъқуллансин:

Университет ҳузурида юридик шахс мақомига эга Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти ташкил этиш;

Университетнинг Бухоро филиали неғизида Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ташкил этиш;

Университетнинг Қарши филиали неғизида Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти ташкил этиш.

9. Белгилансинки: Фундаментал ва амалий тадқиқотлар инсти-

тутининг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (илмий ходимлардан ташқари) бўйича харажатларини молиялаштириш Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Бухоро табиий ресурсларини бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти Университет ҳузурида фаолият юритади; Университетнинг Бухоро ва Қарши филиаллари талабалари тахсил олаётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқиниш мос равишда Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтида давом эттиради;

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти тааллуқлилиги бўйича Университетнинг Бухоро ва Қарши филиалларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда филиалларнинг мол-мулки ва бошқа асосий воситалари тегишли равишда янги ташкил этилаётган институтига ўтказилади.

10. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қўйдагилар белгилансин:

минтақада мавжуд сув ресурсларини инобатга олган ҳолда ҳудудлар кесимида сувдан фойдаланиш бўйича ўрта ва узок муддатга мўлжалланган тадқиқотлар ўтказиш;

геоахборот технологияларини асосида ерларнинг мелiorатив ҳолатини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, тупроқ унумдорлигини оширишнинг янги усулларини яратиш;

сунъий интеллект ва "ақли технологиялар" бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, маҳаллий тупроқ, экин ва қишлоқ хўжалиғи махсулотлари турларига мослаштирилган агротехнологиялар яратиш;

ўсимликлар ва уларнинг яшаш муҳитини, ўсимликлар таркибидagi озука моддаларининг оптимал даражасини, тупроқнинг макро ва микро элементларини физик-кимёвий тахлил усуллари асосида тадқиқ этиш;

"яшил иқтисодиёт", қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда ресурстежамкор технологиялар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ва ишланмаларни яратиш;

электроника, мехатроника ва робототехника йўналишидаги амалий тадқиқотларни ривожлантириш, космик аппаратлар маълумотларини қайта ишлаш ва тахлил қилиш;

физика йўналишлари бўйича фундаментал муаммоларни ўргитиш, экспериментал маълумотларни қайта ишлашнинг янги моделлари ва усулларини ишлаб чиқиш.

11. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани, Қори Нидёйи кўчаси, 39-уй, "А" бинога жойлаштирилсин. Белгилансинки, Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти биносини жорий таъмирлаш, унга туташ ҳудудни обodonлаштириш, хизмат хоналарини мебелё, компьютер, ташкилий техника ва инвентарь билан жиҳозлаш Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Сув хўжалиғи вазирлигини маъмурий бино билан таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин ва унинг молиявий манбалари этиб қўйдагилар белгилансин: ирригация ва мелiorация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини тузилдиган шартномалар асосида илмий-техник жиҳатдан таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизигача бўлган қисми; иқтисодиёт тармоқларида халқаро молия институтилари ва хорижий ҳуқумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар

Келгуси йил давомида лабораториялардаги 1 мингдан зиёд шифокорлар ва 3 мингдан ортқк ўрта тиббиёт ходимларининг малакаси оширилади.

Эндокринология марказининг туманлараро бўлимига сони ҳозирги 29 тадан 50 тага етказилиши белгиланди. Худудлардаги филиаллар янги тиббий ускуналар билан жиҳозланади ва кўрсатиладиган хизматлар сони 15 тадан 40 тагача етказилади.

САМАРАЛИ МЕХАНИЗМ

AUDIT

ЗАМОНАВИЙ БИЗНЕС МУЎИТИДА
ЯНГИЧА АУДИТ ТИЗИМИ

Низомжон ХАЖИМУРАТОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари доктори

Ҳар бир жамият ривожланиши давлат ташкилотлари ва аҳолининг уйғунлигидаги ҳаракатиға боғлиқ. Иқтисодий жиҳатдан чекланган ресурсларни адолатли тақсимлаш, меъёр даражасида фойдаланиш барча даврларда энг долзарб масалалардан бири бўлган ва шундай бўлади. Адолатли тақсимотни таъминлаш учун кишилар жамоа шаклидан қудратли давлатларни ташкил этиш даражасига ҳам етиб келди.

Юртимизда иқтисодий ўсишнинг доимий барқарорлигига эришиш, фуқаролар учун фаровон ҳаётни таъминлашда етарли иқтисодий имкониятларга эга-миз. Айнан бу ресурслардан оқилона фойдаланиш ва иқтисодий адолатни таъминлашда давлатнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Ҳеч кимга сир эмас, иқтисодий тизим жуда мураккаб тузилган бўлиб, уни фақатгина илм, таҳлиллар, тажриба орқали муваффақиятли бошқариш мумкин. Иқтисодий тизим инсонларга ва табиатга боғлиқ бўлиб, у ҳам доимий ўзгаришда бўлади.

Унда инсонларнинг роли турлича: кимдир ихтиро қилади, кимдир раҳбарлик, яна кимдир эса имкониятидан келиб чиқиб, турли тармоқларда ва вази-фаларда ишлайди. Мавжуд ресурсларни моддий неъмат шаклига келтириш ва аҳолига етказишда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо фаолияти соҳасида хизмат кўрсатадиган ташкилотларнинг ўрни бекиёс. Улар ўз фаолиятини олиб бориши давомида доимий рақобатда, ресурслар учун кураш ҳолатида бўлади. Давлатнинг вази-фаси ушбу рақобатнинг ҳалол бўлишини таъминлашдир. Бунинг учун иқтисодий тизим қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Натижада иқтисодий жара-

фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда аудит соҳасидаги амалда мавжуд бўлган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўлидаги вазифаларни белгилаб берди.

Ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва мuddатсиз тизими жорий этилди. Бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлариға аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқлариға киришини таъминлашга имкон яратди.

2021 йил 27 майдан кучга кирган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши эса аудитни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарали давоми бўлди. Ушбу қонун билан соҳа ривожланишига тўсиқ бўлиб келган бир қатор ҳолатлар бартараф этилди. Аудиторлик соҳасидаги давлат сиёсатининг айрим йўналишлари, жумладан, аудиторларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, аудиторлик ташкилотларининг иш сифатини ташқи назорат қилиш тизимини



ёнларни назорат қилишга эҳтиёж пайдо бўлади.

Давлат нуқтаи назаридан иқтисодий тизим бир қатор давлат органлари томонидан назорат қилинади. Солиқ органлари солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўланишини, божхона органлари экспорт-импорт операцияларининг қонунийлигини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа ташкилотлар эса қонун доирасида ўз вазифалари билан иқтисодий жараёнларда иштирок этади.

Бизнес нуқтаи назаридан эса амалга оширилган ҳўжалик муомалаларининг тўғрилигини текшириш, бошқарув қоролларини қабул қилишда аудит соҳаси муҳим ўрин тутди. Соҳада кенг қўлланиладиган аудит тушунчаси муайян ваколатлар берилган шахслар — аудиторлар томонидан ҳўжалик юритаётган субъектларнинг молиявий ҳисоботи тўғрилиги, улар амалга оширган молиявий ва ҳўжалик операцияларининг мамлакат қонунлариға мувофиқлигини текшириш мақсадида ўтказиладиган молия ҳўжатлари экспертизаси ва таҳлили ҳисобланади.

Малакали аудиторлик хизматисиз бугунги кунда бизнес юритиш қийин ва бартараф этиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. У ҳар бир иқтисодий жараёни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради. Бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш ва аудит ўтказиш натижа-сида иқтисодий жараёнларнинг ҳисоби юритилади ва бизнес учун бошқарув қарорлари қабул қилинади. Бунинг хориқ давлатларида аудит ва молиявий назорат қанчалик яхши ривожланган бўлса, уларнинг иқтисодий қудрати шунчалик ривожланганида ҳам қўриш мумкин.

Бугунги кунга келиб, юртимизда аудитни ривожлантиришнинг аҳамияти катта экани қайд этилмоқда, соҳада қўлаб олшохотлар олиб бориляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик

“БУГУНГИ КУНГА КЕЛИБ, ЮРТИМИЗДА АУДИТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА ЭКАНИ ҚАЙД ЭТИЛМОҚДА, СОҲАДА КўПЛАБ ИСЛОҲОТЛАР ОЛИБ БОРИЛЯПТИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида”ги ҚАРОРИ МАМЛАКАТИМИЗДА АУДИТ СОҲАСИДАГИ АМАЛДА МАВЖУД БўЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ Йўлидаги ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ.

шакллантириш ва бошқалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар асосида бугунги кунда солиқ аудити, божхона аудити, экологик аудит, ички аудит каби тушунчалар ва йўналишлар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилган “Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисида”ги Низомнинг тасдиқланиши билан солиқ аудитини ўтказиш учун ҳуқуқий асос яратилди. Низомда солиқ аудити — солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг муайян давр учун солиқлар ва йиғимларнинг ҳисобланиши ҳамда тўланишининг тўғрилигини текшириш мақсадида, унинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳўжатларини ўрганиш ва таққослаш йўли билан ўтказилади, дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июнда қабул қилинган “Божхона маъмуриятчилигини ислох этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, божхона аудитини амалга ўтказиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 февралдаги қарорига асосан, “Божхона аудитини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги

Низом қабул қилинди. Унга қўра, божхона аудити — товарларни чиқаришга рухсат берилгандан сўнг божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳўжатларига риоя этилганлигини ваколатли шахслар томонидан божхона расмийлаштируви жараёнида тақдим этилган ҳўжатларни молия-ҳўжалик фаолиятиға боғлиқ ҳўжатларда акс эттирилган маълумотлар билан солиштирган ҳолда ўрганиш ва текширишга асосланган божхона назорати шакли ҳисобланади.

2021 йил 15 мартда имзоланган “Экологик аудит тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни эса экология соҳасида ҳам аудитни ташкил этиш зарурлигини белгилаб берди ва қонуний асос бўлди. Ҳўжатда экологик аудит — экологик аудит субъекти амалга оширадиган ҳўжалик ва бошқа фаолиятни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар талабларига риоя этиш юзасидан экологик аудиторлик ташкилотини томонидан ўтказиладиган тизимли, ҳўжатлаштирилган, мустақил баҳолаш тарзида изоҳланади.

Қўришимиз мумкинки, аудит соҳасини ривожлантириш мақсадида ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Ушбу ҳўжатларда белгиланган вази-фаларни амалга ошириш кадрларга боғлиқ. Аудит соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш муҳим жараён бўлиб, қўп йиллик меҳнат, халқро ҳамкорлик ва тажриба асосида ривожланади.

Иқтисодий йўналишларда олий маълумотли кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларида аудит йўналиши ҳам ташкил этилган. Олий таълимда иқтисодиёт йўналиши ҳақида гапирар эканмиз, Тошкент давлат иқтисодиёт университетини қайд этмасдан илож йўқ.

Ушбу таълим даргоҳи юртимизда иқтисодиёт йўналишидаги дастлабки ва энг катта илмий муассаса ҳисобланади. Аудит соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш учун университетда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, фан дастурлари, ўқув адабиётлар янгиланмоқда. Дунё миқёсида TOP-500 рўйхатига кирувчи таълим муассасаларидан профессор-ўқитувчилар ўриндошлик асосида ишга жалб қилинмоқда. Аудит соҳасида фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари билан ҳамкорлик олиб бориляпти.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини янада ошириш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу мақсадларга

эришиш учун кафедраларга кенг ваколат бериш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ривожланган давлатларда ошириш ва бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш тақлиф этилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги яна бир жиҳдий масала — бу автоматлаштирилган тизимларнинг камлиги, мавжудларнинг серверлари хорижий давлатларда жойлашганлиги-дадир. Ушбу муаммоларни бартараф этиш тадбиркорлик сирини сақлашга, давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашга, ортиқча сарф-харажатларни камайтиришга хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида компьютер маҳаллий компьютер дастурий махсулларини қўлайтириш учун тегишли кафедралар, аудиторлик ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлиқда амалий ва фундаментал лойиҳаларни амалга ошириши ва бу лойиҳалар давлат томонидан соҳани ривожлантириш мақсадида молиялаштирилиши тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда, аудит иқтисодиётнинг камчиликлари ва ривожланиш истикболларини кўрсатиб бериувчи кўзгудир. Камчиликларни ўз вақтида қайд этиб, уни бартараф этсакина, ривожланиш йўлидан оғишмасдан ҳаракат қиламиз. Бундан фақатгина инсон қадр, жамият ва давлат манфаатлари ютади.

ИСЛОҲОТ

Сурхондарё вилояти Бандихон туманининг “Обод турмуш” маҳалласида яшаётган пенсионер Холмўмин бобо Маматмуродов узоқ йиллар ҳўжаликда ҳайдовчи бўлиб ишлади. Касбидан топган маблағи ҳисобига беш фарзандни улғайтирди, уй-жойли қилди. Ўғиллари Шерали, Шерзод, Қудрат орада бирмунча вақт хорижга бориб ишлади. Ўтган йили пандемия туфайли четга чиқа олмади. Ўтиб еганга тоғ ҳам чидамайди деганларидек, рўзгорни тебратиш учун ака-укалар чора излашди.

БАНДИХОНДА ПАРРАНДАЧИЛИК
ЕТАКЧИ СОҲАГА АЙЛНАДИ

Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳар бир ота-она фарзандлари кўз ўнгига бўлишини хоҳлайди. Холмўмин бобо ҳам ўғилларига: “Мен ҳам, онанг ҳам кексайиб қолдик. Энди бегона юртларда юрманглар, ишлайман деганга қишлоқда ҳам иш қўп”, деб маслаҳат берди. Шундан кейин уч ўғил уйлаб-уйлаб, охири товۇқ боқиш ҳаракатиға тушдилар. Биринчи галда товۇқларга жой ҳозирлаш керак эди. Ҳовлининг этагида мол боқиш учун хом ёишдан қурилган бинони парранда боқишга мослаштиришди. Биноға ҳаво сўргич, сигими 400 литр бочкадаги сувни музлатадиган қурилма ва насос ўрнатилди. Хоналар ҳарорати мўътадиллашди. Бино ичига металл ва симдан уч қаватли каталар ясаб, қатор-қатор қилиб ўрнатиб чиқишди. Узунлиги 350 метр симтўр каталарнинг ҳар қаватида 150 та товۇқ боқилади. Жониворлар сувсаса, найчаларға тумшуги тегиши билан махсус стаканчалар сувға тўлади. Омихта ем бериш ва тухумларни йиғиб олиш учун худди паррандачилик фабрикаларидагидек қабарик темир тарновлар қўйилди.

Оила ҳовлисига қўлбола ва ихчам товۇқхона тайёр бўлган, ака-укалар шу соҳа мутахассисларидан сўраб-суриштириб, Самарқанд туманидаги “Илоосий ломан парранда” МЧЖ билан шартнома тузди. Бу орада оилавий тадбиркорлар кенжа ўғил — Қудрат Маматмуродов номига “Холмўмин бобо паррандаси” фермер ҳўжалигини ташкил этишди. Шу тарика Бандихон туманининг адирли қисмида жойлашган хонадонда дастлаб минг бош товۇқ парваришланди. Жониворлар тез орада тухумға кирди. Махсулотта қишлоқлардаги дўкондорлар харидор бўлди. Ҳар кун и ўртача 600 дона тухумни дўконларға топшираётган оилавий тадбиркорларнинг меҳнати тилға тушди. Атрофдаги маҳаллалар аҳолиси ҳамда қишлоқдошлари уларға ҳавас қилиб, товۇқ боқишға қизиқиб қолишди.

Бу орада Бандихон туманида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтери”, “Ёшлар дафтери” рўйхатиға киритилган фуқаролар ва кам таъминланган оилалар хонадонларида парранда боқиб, ўзларини банд этиш ва маблағ топишлари учун қўмақлашиш жараёнлари бошланди. Шунингдек, тижорат банкларида “Ёшлар дафтери”га киритилганлар паррандачилик билан шугулланиш учун имтиёзли кредитлар берилди. Туман ҳокимлиги, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутахассислари, туман фаоллари томонидан талабдорларға товۇқларни бошқа жойлардан эмас, айнан Бандихонда фаолият кўрсатаётган “Холмўмин бобо паррандаси” фермер ҳўжалигидан олиш тақлиф қилинди.

“Аёллар дафтери”, “Темир дафтар”га киритилганларға туман “Саховат ва қўмак” жамғармасидан ажратилган 80 миллион сўм ҳисобига “Холмўмин бобо паррандаси” фермер ҳўжалиги ишбилармонлари эликдан ошқ эҳтиётқамд оилаға 20-25 бошдан товۇқ тарқатди. Хонадонларға симтўрли мўъжаз товۇқхона қуриб бериш баробарида омихта



емни ҳам етказди. Масалан, “Полвонтош” маҳалласида яшовчи, “Аёллар дафтери” рўйхатида турган Дилбар Раҳимназарова, “Пахтакор” маҳалласи фуқароси Бахтигул Холмуродова, “Ургулсой” маҳалласида яшовчи Нигора Шайманова каби ўнлаб аёлларға берилган 25-30 бошдан товۇқ ҳозир ишсизларни банд этиш баробарида рўзгорларига барака киритяпти.

— Касб-хунар коллежини битирганимдан буён ишсиз эдим, — дейди “Бирдамлик” маҳалласида яшовчи Аслиддин Абдиназаров. — “Ёшлар дафтери”га киритилганим учун Халқ банкидан берилган 25 миллион сўм имтиёзли кредитта товۇқ боқишға



қарор қилдим. Бу масалада менға “Холмўмин бобо паррандаси” фермер ҳўжалиги мутахассислари амалий ёрдам беряпти. Товуқлар ҳар кун и 160 дона тухум қиляпти. Ўзимникини ва қўни-қўшилар товуқлари тухумини йиғиб, дўконларға ҳамда қўшни қишлоқларға элтиб, сотиб келяпман. Паррандачилик етти ҳазиланинг бири деганларича бор экан. Ойлик даромадим 2,5 миллион сўмдан ортмоқда. Бир қисмини кредитни узмишға, қолганини рўзгор эҳтиёжига сарфлаяпман. Мўҳими, ишли бўлдим, товۇқ боқиш бўйича тажрибам ортияпти. Келгусида товۇқхонани кенгайтириб, паррандаларни қўпайтирмоқчиман.

Ийирма беш ёшли Зиёдулла Сафаров “Бирдамлик” маҳалласида яшайди, касб-хунар коллежини битирган. Шу йил бошида уни “Ёшлар дафтери”га киритишганди. Паррандачилик билан шугулланишни истаса, кредит беришларини айтишди. Зиёдулла “Холмўмин бобо паррандаси” фермер ҳўжалиги ишбилармонлариға мурожаат қилди. Улар Зиёдуллаға 190 бош олти ойлик товۇқ келтириб беришди. Бугун Зиёдулла хурсанд, ишлаган сўйин чехраси очилляпти. Ҳар икки кунда 200 дондан ортқ тухумни дўконларға топширмоқда.

Туман раҳбарининг сўзига қўшимча қилиш мумкинки, қяин кунларда Бандихон туманида паррандачилик драйвер соҳаға айланади. Чўнки айни пайтда туманининг “Наврўз” маҳалласи худудидаги адирликда “Бахриддин паррандачилик” бройлер комплекси бунёд этиляпти. Тадбиркор Аслидин Омонов бошлиқ “Бахриддин нур” фермер ҳўжалиги “Ўзсанотқурилиш-банди”дан олинган 5 миллиард 350 миллион сўм кредит ҳамда 2 миллиард сўм ўз маблағи ҳисобига лойиҳа қиймати 7,4 миллиард сўмлик, сигими бир босқичда 100 минг бройлер товۇқ боқишға мўлжалланган қорхона қуришни яқунляпти. Бу жойда йилға 840 тонна парранда гўшти ишлаб чиқарилади ва 100 кишининг бандлиги таъминланади. Шунингдек, туманининг “Навбахор” маҳалласи худудида инвестиция дастури асосида йилға 60 миллион дона тухум ишлаб чиқариш қувватиға эға паррандачилик фабрикаси барпо этилмоқда. Бандихондаги бу каби бунёдкорликлар парранда махсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш баробарида аҳолини ишли қилиш ва доимий даромад манбаиға эға бўлишиға имконият яратяди.

ТИББИЁТ ОДИМЛАРИ

Статистик маълумотларга қараганда, бугун дунё бўйича 1,9 миллиард киши ортиқча вазн муаммосига дучор бўлган, 450 миллион нафарга яқин киши қандли диабет касаллигига чалинган. Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистоннинг 46 фоиз аҳолисида ортиқча вазн билан боғлиқ муаммо мавжуд. Аҳолининг 18 фоизи семизлик, 8,7 фоизи эса, қандли диабет билан касалланган. Қуни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида эндокрин касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор ййгилишида соҳада олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, эндокринология хизматини такомиллаштириш бўйича кўриладиган биринчи галдаги чора-тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан, қандли диабет учун метформин препарати 200 мингдан зиёд эҳтиёжманд аҳолига бепул тарқатилади. Болалар ва катталарни одам инсулини билан бепул таъминлаш дастури давом эттирилиб, бунда илк бор 25 ёшгача бўлган ёшларга аналогли инсулин берилади. Ўзбекистонда ушбу касалликни операция йўли билан даволаш бошланганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, қатор ижобий натижаларга эришилмоқда.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ ИККИНЧИ ТУРИ Ўзбекистонда операция йўли билан даволанмоқда

Устоз ва шогирд ҳамкорлиги — муваффақият калити

Мамлакатимизда қандли диабетнинг 2-турини операция қилиш йўлга қўйилишида Тошкент тиббиёт академияси таянч докторанти, жарроҳ Умид Рўзиевнинг хизматлари катта.

У 2009 йилда академиянинг бакалавр босқичини муваффақиятли тамомлагач, клиник ординатурада жаррохлик йўналиши бўйича таҳсил олди. Кафедрада кичик илмий ходим сифатида ишлаётган пайтида Жанубий Корея грантини ютиб, мазкур мамлакатдаги Инха университетининг тиббиёт факультетига қарашли госпиталда малака ошириш имкониятини қўлга киритди. У ерда олти ой ўқиб, тажриба оширди, мунтазам равишда жаррохлик амалиётини кузатди.

— Бариятрик ва метабolik жаррохлик билан илк бор ўша госпиталда танишганман, — дейди У.Рўзиев. — Бир қуни госпиталда вази икки юз килога яқин беморни операция қилишди. Ушунда умуман дуч келмаган жараёнга гувоҳ бўлдим: жаррохлик танани кесмасдан, менга нотаниш лапароскопик асбоблар, технологиялар воситасида амалга оширилди. Бир соатча давом этган жаррохлик амалиётидан сўнг, операция қилган корейлик профессорни роса саволга тутдим, бу қандай операция экани ҳақида сўрадим. У бу бариятрик метабolik жаррохлик бўлиб, тиббиётнинг бу йўналиши ҳали бутун дунёда янгилик экани, ҳатто, қандли диабетнинг 2-турига чалинган беморларга ҳам ана шундай жаррохлик амалиёти қўлланилаётганини айтди. Тўғриси, ҳайратда қолдим, чунки бу мен учун янгилик эди. Қандли диабетнинг 2-тури билан касалланган беморларни жаррохлик йўли билан даволаш мумкинлиги ҳақида бирорта жойда эшитмагандим...

Шу тарика Умид Жанубий Корейдан Ўзбекистонга катта таассурот, иштиёқ билан қайтди. Жаррохликнинг мазкур йўналишига қизиқиб, уни астойдил ўргана бошлади. Бу тиббиётнинг нисбатан янги йўналиши бўлгани боис, аксарият маълумотлар инглиз тилида эди. Устози Октябр Тешаев Жанубий Корейдаги олти ойлик ўқитиш, фаолияти ва у ернинг тиббиёт соҳасидаги ютуқлари, янгиликлари ҳақида сўраганида, қандли диабетнинг 2-турига чалинган беморлар бариятрик ва метабolik жаррохлик йўли билан даволанаётганини айтди. Мазкур йўналишга доир таржима қилган илмий мақолаларни устози обдон ўқиб чиқиб, бу тиббиётнинг илмий асосланган йўналиши бўлиб, уни мамлакатимизда ҳам жорий қилишга киришиш кераклигини таъкидлади.

Жанубий Корейда бу хил операцияда фойдаланилаётган асбоб-ускуна, технология Ўзбекистонда ҳали йўқ эди, операция лапароскопия усулида, тешиш йўли билан бажариларди. Устози танани кесиб-очиб бажариш мумкинлигини таъкиф қилди. Ўзбекистонлик беморлар Туркия, Хиндистон, Жанубий Корейга бориб, шундай операция қилдириб келарди. Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилиб, давлат ҳисобидан операция қилиш бўйича грант ажратиш, шу орқали беморларни жалб қилиш чораларини ҳам кўришди. Умид Эндокринология марказларига бориб, қандли диабетнинг 2-турига чалинганларни операция қилиш мумкинлиги ҳақида айтганида, унга ишончрамаганлар кўп бўлди. Уларнинг ўз ифодасида "Бу боланинг эси жойидامي, қандли диабетта чалинганларни операция қилиб бўларканми?" деган маъно бордек эди.

Шу тарика орадан икки-уч йил вақт ўтди. Бу пайтда Умид Рўзиев Тошкент шаҳар 1-сон клиник шифохонасида жарроҳ сифатида фаолият юритарди. Бу борада Қозғоситонда назарий билимларини ошириш билан бирга, тиббий операцияларда қатнашиб, икки ой давомида амалиёт ҳам ўтади.

2016 йилда Умид Рўзиевга бир таниши онаси қандли диабетга чалинганини, Қозғоситонда беморни операция қилдиришни сўраб илтимос қила-



ди. Хорижлик профессор ёрдам беришини, бироқ бу операция ўн минг долларга тушишини айтганда бемор ва унинг яқинлари бундай имконияти йўқлигини билдиришди.

— Доктор, шу операцияни ўрганиб келибсиз, ўзингиз шу ерда операция қилақолинг, деди бемор онахоннинг ўзи, — дея эслайди У.Рўзиев. — Бизда ҳозирда улардаги каби ускуналар йўқлиги учун лапароскопия усулида эмас, кесиб-очиб операция қилишга тўғри келишини тушунтирдим. Онахон барибир кимдандир биринчи бўлиб бошлагингиз керак-ку, деди. Тўғриси, онахоннинг қатъияти, довраклиги мени операцияни қилишга ундади. Устозим Октябр Тешаев бошчилигида шу онахонни тўққиз соат операция қилганмиз.

Операция муваффақиятли ўтди. Уйга ҳам бормай, ўн кечаю-қундуз онахонга ўзим қарадим. Чунки зиммамдаги масъулиятни жуда яхши анлардим. Бир ойдан кейин онахон шифохонага келди. У анча озган, қуриниши ҳам жуда яхши эди. Таҳлил учун қон топширганда қонда қанд миқдори меъёрга экани маълум бўлди. Шу тарика амалга оширган илк операциямиз ижобий натижа берди. Бемор қандли диабетдан батамом тузалди. Бу илк ютуғимиз эди!

Шундай бўлса-да, бир йил давомида ҳеч ким шу хилдаги операция қилдириш учун мурожаат қилмади. Бу орада операцияни амалга ошириш учун кетадиган вақтни қисқартириш борасида изланиш олиб боришди. Чунки биринчи беморни операция қилиш учун тўққиз соат вақт сарфланган, чет элда бу атиги бир-бир ярим соат давом этарди, ҳолос.

Операция вақтини қисқартириш имконини берадиган тиббий асбоб-анжомлар изланди, айримлари топилди. Шунинг ҳисобига иккинчи жаррохлик амалиёти олти соат давом этди. Лекин бу барибир кўп эди. Астойдил уринишлар, яхши ниятдаги сайё-ҳаракатлар зоо кетмади. Кейинчалик чет элдан тўқимани кесиб ҳамда уларни бир-бирига улашга мўлжалланган эндостеплер ускунаси олиб келинди. 2018 йилдан бошлаб беморларни лапароскопия усулида операция қилиш бошланди ва бу бир-бир ярим соат давом этадиган бўлди.

Урни келганда айтиш лозимки, қандли диабетнинг 1-турига чалинган беморларнинг ошқозон-ости беэи инсулин ишлаб чиқармаслиги боис, уларда жаррохлик амалиёти қўлланилмайди.

Ортиқча вазн, семизлик — бош омили

— Соғлом одам қонидаги қанд меъёри 3.1 дан 6.4 гача бўлиши керак, — дейди У. Рўзиев. — Агар ундан ошса, қандли диабетга мойиллик юзага келади. Аслида қандли диабетнинг икки тури мавжуд. 1-тури кўпроқ болаларда учрайди ва генетик туғма

касаллик ҳисобланади. Бу ошқозонности безининг яхши ишламаслиги туфайли инсулин моддаси етишмаслигидан келиб чиқади. Улар инсулинга қарам бўлиб, бу моддани уларга ташқаридан етказиб беришга зарурат туғилади. Чунки инсулин етказиб берилмаса, қондаги қанд миқдори ошиб кетади. Бу каби беморларга инсулин доимий тарзда юбориб турилиши лозим. Қандли диабетнинг 2-турида беморда ошқозонности беэи ишлайди, яъни инсулин моддасини меъёрида ишлаб чиқаради, лекин инсулиннинг глюкозага таъсир ўткази олмаслиги сабаб қонда қанд миқдори баланд бўлади. Содда қилиб айтганда, ошқозонности беэи ишлаб чиқарган инсулин ҳужайрага боради ва унга қондаги мавжуд глюкозани қайта ишлашга ёрдам беради. Шу тарзда глюкоза парчаланиб, организмга сингади ва танага қувват беради. Ҳужайра глюкозани қайта ишлаш учун уни ўзлаштириши керак. Шунинг ҳисобига қонда глюкоза миқдори меъёрий ҳолатга келади.

Қандли диабетнинг 2-тури глюкозанинг сўрилимаслиги ҳисобига юзага келади. Бу организмнинг инсулинга таъсирчанлиги камайиши, ҳужайра ва инсулин ўртасида тўсиқ юзага келгани билан боғлиқ жараён. Борди-ю, организмда глюкоза меъёрдан ошса, ошқозонности беэига бу ҳақда "хабар келади", ошқозонности беэи уни меъёрга тушириш учун яна инсулин ишлаб чиқаради. Фақри, организм авал меъёрида инсулин ишлаб чиқарган бўлса, энди 4-5 баробар кўп инсулин чиқараверади. Чунки ошқозонности беэига қонда глюкоза миқдори ошгани ҳақида муттасил сигнал келиб туради-да. Ошқозонности беэи эса, беш баробар зўриқиб ишлай бошлайди. Оқибатда организм инсулинга таъсирчанлигини йўқотиб бораверади. Бу эса қонда глюкозанинг ҳаддан зиёд ошиб кетишига, охир-оқибат қандли диабетнинг 2-тури юзага келишига сабаб бўлади.

Қўпинча ортиқча вазн, семизлик одамларда бу касаллик ривожланишига сабаб бўлади. Боиси ҳужайранинг атрофини ёғ қоплаб олади, бу эса, инсулиннинг ўтишига тўсиқ бўлади, ҳужайралар глюкозани ўзлаштирмай қўяди.

— Организмда инсулин етарли миқдорда ишлаётган, бироқ унга таъсирчанлик йўқолган ҳолларда жаррохлик амалиёти қўлланилади, — дея давом этди жарроҳ. — Операция ҳужайра ва глюкоза ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади. Ҳам ортиқча вазндан ҳалос бўлиш, ҳам моддалар алмашинуви яхшиланишига хизмат қилади. Шу кунга қадар устозим бошчилигида 300 дан зиёд операцияда иштирок этдим. Операциядан кейин беморларнинг қандли диабетнинг 2-туридан фориб бўлиш кўрсаткичи 94 фоиздан ошди. Беморларни асосан, Тошкентда операция қиляпмиз. Зарурат туғилганда вилоятларга ҳам чиқиб турибмиз. Биз қўллаётган жаррохлик амалиётида ошқозон вертикал кесилиб, ингичка ичкакка уланади. Ингичка ичакнинг ортиқча жойи қолаверади, фақат у ердан овқат ўтмайди. Лекин ўз фаолиятини йўқотмайди. Ошқозон кичрайитирилиши, ичакнинг овқат ўтадиган қисмининг қисқариши ҳисобига сўрилиш майдони камаяди. Бу эса беморнинг озишига, ҳужайра ва инсулин ўртасидаги таъсирчанлик, яъни метабolik жараён тикланишига хизмат қилади. Операциядан тузалганларнинг парҳез тутишига, дори ичишига ҳожаат қолмайди.

— Утган йили коронавирусга чалиндим ва бу касаллик менда оғир кечди, оқибатда қандли диабет ҳасталигини ҳам орттириб олдим, — дейди фарғоналик Абдурахим Асқаров. — Қондаги қанд миқдори 25 гачага қўтарилиб кетган экан. Эндокринологлар парҳез тутишимни тайинлади. Парҳездан сўнг ҳам унинг миқдори 7 га чиқди. Бу ҳам меъёрий кўрсаткичдан юқори эди. Туркияда қандли диабетнинг 2-турини операция йўли билан даволашаётганидан хабар топдим. Уларда операциянинг нархи 12-14 минг доллар экан. Бу биз учун имконсиз эди.



Шунда мамлакатимизда ҳам ана шундай операциялар қилинаётганини эшитдим. Керакли таҳлиллар топширилгач, операция қилишди. Операциядан олдин вазним 113 кило эди. Операциядан сўнг тўрт ой ичида 30 килограмм вазн ташладим. Энди ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман, қон босими, бош оғриғи, жигилдон қайнаши, тизза, оёқ оғриқларидан ҳалос бўлдим.

Парҳез ечим эмас

Қандли диабет доимий равишда чанқаш, оғиз қуриши, тез-тез пешоб ажралиши, лоҳаслик ва қолдан тойиш, терининг қуриши, қичишиш, вазн ва иштаҳанинг сезиларли ошиши каби белгилар билан намоён бўлади. Бу ҳасталик қўриш қобилиятининг пасайиши, буйрак етишмовчилиги, юрак хуружи, инсулт ҳавфни юзага келтиради. Тадиқотлар ортиқча вазн билан боғлиқ муаммонинг 90 фоизи овқат истеъмоли ҳамда жисмоний меҳнат ўртасидаги номуаносиблик туфайли келиб чиқаётганидан далolat бермоқда. Қўпчилик кун давомида калорияси юқори озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилади. Улар қаторига фаст-фудларни ҳам қиритиш мумкин. Бундан ташқари, яқин жойга ҳам автомобилда боради. Семиз одамларнинг қўпчилиги ишхонада мўқим ўтириб ишлайди, қўп қаватли турар жойларда истиқомат қилувчилар эса зина эмас, балки лифт орқали қўтарилиб-тушишни маъқул қўради. Камга уй-рўзгор юмушларини бажариш учун чангюткич, кир ювиш машинаси, микротўлқинли печ сингари техника воситаларидан фойдаланади ва ортиқча уринтиришни истамайди.

Оқибатда, ортиқча вазн юзага келади, жисмоний фаоллик пасая бошлайди, озгина ҳаракатланганда ҳам хансираш, мушакларда оғриқ пайдо бўлади. Фаоллик камайиб, қўшимчасига овқат рационига эътибор қаратмаслик оқибатида вазн борган сари ошиб бораверади. Бу эса, қандли диабетнинг 2-тури юзага келишига асосий сабаблардан биридир.

— Эндокринологлар қандли диабетга чалинганларга парҳез тутишни тавсия қилишади. Тўғри, бу маълум муддат қондаги қанд миқдорини меъёрлаштиради, лекин муаммога тўлиқ ечим бўла олмайди, — дейди У.Рўзиев. — Қандли диабет кучайиб бориш ҳусусиятига эга. Ошқозонности беэи тахминан беш йил давомида қандли диабетни билдирмайди. Яъни, оғирлиқни ўзига олади. Инсулинни қўп ишлаб чиқариб, қанд миқдорини меъёрида ушлаб туради. Инсулин миқдори эса,

бир неча баробар қўпайиб кетади. Дейлик, бир инсулин юзага келган тўсиқ туфайли ҳужайрага етиб бормай қолди. Вақт ўтиши билан ошқозонности беэидан чиққан яна иккинчи, учинчи инсулин олдида ҳам тўсиқлар юзага кела бошлайди. Тўсиқлар қўпайиб борган сари қанд миқдори ҳам ошиб бораверади. Бунда парҳезга риоя қилмаганидан эмас, балки мана шу тўсиқларнинг пайдо бўлгани туфайли қанд миқдори ошган бўлади. Айтмоқчиманки, вақт ўтиши билан парҳез ҳам ёрдам бермайди, тўсиқлар қўпайиб бораверади, инсулин ҳужайрага етиб бормай, глюкозанинг ўзлаштирилиши пасайиб боради. Оқибатда қонда глюкоза миқдори ошиб кетади.

Мамлакатимизда мазкур касалликнинг олдини олиш, соҳада тиббий хизмат сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 19 апрелдаги "2019-2021 йилларда Республика аҳолисида эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ихтисослашган самарали ва замонавий эндокринология ёрдами тизимини шакллантириш, қандли диабет ва бошқа эндокрин касалликлар профилактикаси ва уларни бравакт аниқлаш чораларини янада такомиллаштириш, аҳолига ихтисослашган юқори малакали эндокринология ёрдами кўрсатиш сифати ва имкониятларини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Хулоса ўрнида шунч айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда қандли диабет-2 касаллигига чалинган беморларни операция йўли билан даволашга ютуқларга эришилмоқда. Ҳатто, Ўзбекистонда Бариятрик ва метабolik хирургия уюшмаси ҳам ташкил этилиб, у IFGO халқаро федерациясига аъзо бўлди. Ушбу халқаро ташкилотнинг вазифаси бариятрик ва метабolik жаррохлик бўйича дунёда қўлга қиритилаётган ютуқлар, натижалар бўйича статистикани умумлаштириш, дунё тенденциясини аниқлаш, операцияларни мувофиқлаштиришдан иборат. Ўзбекистонда амалга оширилаётган тиббий операциялар, натижалар ҳам уларнинг реестирига қиритиб борилади. Мазкур халқаро ташкилотга аъзолик мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган шу йўналишдаги жаррохларнинг дунё тажрибасидан доимий хабардор бўлиш, жаҳон стандартларини, илгор ютуқларини тиббиётимизда қўллаш имконини беради.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

БОЖХОНА

МАСОФАВИЙ ЭЛЕКТРОН ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ қулай ишбилармонлик муҳити учун янги имконият

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ислохотлар жараёнида ўтган 5 йилда мамлакатимиз божхона хизмати органлари фаолияти тубдан янгиланди. Бу борада тизимга "Рақамли божхона" тамойили кенг жорий қилинаётгани ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳам вақтини, ҳам харажатларини тежаши билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 10 сентябрдаги "Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони тизимга илгор рақамли технологияларни кенг жорий этиш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Фармон билан жорий йил 1 октябрдан Давлат божхона қўмитасининг Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари божқармаларида божхона тартиб-ботларини масофавий бошқариш орқали инсон омилини кескин қисқартириш мақ-

садида янги тизим — "Масофавий электрон декларациялаш" божхона постлари ташкил этилди. Ўз навбатида, 2022 йил 1 апрелдан Давлат божхона қўмитасининг бошқа ҳудудий божқармаларида ҳам шу каби постлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Бу каби амалиёт қатор хорижий давлатларда, жумладан, Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Европа Иттифоқи мамлакатларида йўлга қўйилган. Босқичма-босқич жорий этилаётган бу амалиёт ташқи иқтисодиёт фаолият иштирокчилари ва тадбиркорлар учун

қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш билан аҳамиятлидир.

— "Масофавий электрон декларациялаш" божхона пости ташкил этилгандан буён жами 15 минг 300 та божхона юк декларацияси расмийлаштирилди, — дейди Тошкент вилояти божхона бошқармаси "Масофавий электрон декларациялаш" пости бошлиғи Рустам Аҳмедов. — Мазкур божхона постида 31 нафар ходим хизмат қилмоқда. Бу каби постларнинг босқичма-босқич жорий этилиши ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, коррупция омилиларига барҳам беришга, божхона органлари фаолияти шаффофлигини таъминлашга, божхона ходими ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасида мулоқотни кескин қисқартиришга хизмат қилади. Устун давра мобайнида янги божхона постида расмийлаштирилган юк декларациялари орқали олинган 701,5 миллиард сўмлик божхона тўловлари



давлат бюджетига ўтказилди. Мазкур вақт орқали тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган салкам 445 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорти қилинди.

Тизимда кенг миқёсда жорий қилинаётган "Хавфларни бошқариш", "Ягона дарча" каби божхона ахборот тизимлари ва электрон хизматлар қўмағида божхона назора-

ти ва расмийлаштирувига сарфланаётган вақт тобора қисқармоқда.

Божхона назоратида илгор технологиялар татбиқ этилиши натижасида божхона декларациясини расмийлаштириш вақти экспортда 1,7 баробар, импортда эса 1,4 баробар қисқартирилди. Шу билан бирга, 76 фоиз божхона юк декларациялари соддалаштирилган тар-

тибда расмийлаштирилган. Бу кўрсаткич экспортда 84 фоизни ва импортда 74 фоизни ташкил этади.

Қайд этиш жоизки, бу борада ҳудудларда фойдаланишга топширилаётган замонавий божхона постлари муҳим аҳамиятга эга. Яқинда Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти божхона бошқармасининг янги, замонавий божхона стандартларига тўла жавоб берадиган маъмурий биноси фойдаланишга топширилиши вилоят божхоначилари учун чинакам туҳфа бўлди.

Эндиликда ходимлар бу ерда барча ташқи иқтисодий фаолият ва чегара-божхона постларидаги вазиятни кузатиб бориш ва ўзаро ахборотлар алмашиш имкониятига эга бўлади. Божхона объектларидаги видеокузатув камералари бу ерда ягона нуктага жамланади, тасвирларни эса исталган вақт ва қўламда кузатиб бориш мумкин.

Божхона маъмуриятичилигини янада такомиллаштириш мақсадида халқаро меъёр ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга қаратилган муҳим эътибор, соҳада кечаётган тизимий ислохотлар мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга, унинг инвестицион салоҳиятини оширишга, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга ва божхона органлари фаолияти шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги

СЕНСАН НОМУС ВА ШАЪНИМ МАНИМ, ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ!

Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан жойларда мутасадди ташкилотлар томонидан шоир номини абадийлаштириш, ижодини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида самарали ишлар амалга оширилди.



Кеча Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида шоир хотирасига бағишлаб тантанали адабий анжуман ўтказилди. Тантана аввалида театр фойеида Абдулла Орипов ижодига оид китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Театр сахнасида ўрнатилган улкан монитorda шоирнинг сурати ва унинг ижодий фаолияти билан боғлиқ лавҳалар, шунингдек, Ўзбекистон давлат мадҳиясининг яратилиши жараёнлари акс этиб турди.

Маросим аввалида янраган “Сен бахорни соғинмадингми?” қўшиғининг тароналари шоирни соғинган кўнгилларга ўзгача илиқлик олиб кирди. Шундан сўнг Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиiddин Саййид, Тожикистон Ўзувчилар иттифоқи раиси, Тожикистон халқ шоири Низом Қосим, Қорақалпоғистон Ўзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Кенгешбой Каримов ва бошқалар сўзга чиқиб, Абдулла Орипов ижодининг туркий халқлар адабиёти ривожидagi ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди.

— Абдулла Орипов ўзбек халқи пешонасига битган ёруғ юлдуздир, — дейди ТУРКСОЙ халқларо ташкилотининг Марказий Осиё бўйича вакили

Хўжагелди Қултегин. — У ноёб даҳо истеъдодига мос масъулият туйғусига эга эди. Маҳорат бобида, сўз жозибаси ва образлиликдан фойдалана олишда унга замондошлари орасида тенг турадиган шоирлар бор. Аммо тарихий давр хусусиятларини, зиддиятларини, она Ватан тақдирини, халқнинг дардини, орзу-умидларини Абдулла Ориповдек теран идрок этадиган, қалбнинг ҳар бир ҳужайрасидан ўтказадиган ижодкорлар кам.

Анжуманда жорий йилда “Абдулла Орипов ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тарққийётидаги ўрни” мавзусида халқаро илмий-назарий онлайн конференция, Адиблар хиббонида Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси, ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида “Митти юлдуз жиполари” шеърят беллашуви ўтказилгани таъкидланди. Таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳалла, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиблар хиббонида таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намоёндалари иштирокида шоир ижодига бағишланган турли учрашув, давра суҳбати, китобхонлик кечалари бўлиб ўтди.

Абдулла Орипов номини абадийлаштириш мақсадида Тошкент вилояти Қибрай тумани “Янги Арғин” маҳал-

ласидаги шоир яшаган хонадонга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида Абдулла Орипов номидаги боғ ва музей очилди. Шунингдек, олий ўқув юртида Абдулла Орипов номидаги стипендия таъсис этилди. Қашқадарё вилояти Косон туманида 2 қаватли, 120 ўринга мўлжалланган Абдулла Орипов номидаги кутубхона фойдаланишга топширилди. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида “Юртим шамоли” ҳўжжатли фильми суратга олиниб, тақдими 7 сентябрь куни Адиблар хиббонида ўтказилди.

— Кўзу қошдек бир-бирига ўхшайдиган, бир-бири билан қариндош бўлиб қўда-андага айланган ўзбек ва қирғиз халқларининг илдизлари азалдан бир-бирига тутшиб кетган, — дейди Қирғиз Республикаси Миллий ёзувчилар уюшмаси раиси Нурлан Қаллибеков. — Яқинда Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси билан адабий ҳамкорлиқни кучайтириш мақсадида бир неча шартнома имзоладик. Ана шу жараёнда Ўзбекистонда адабиёт аҳлига кўрсатилаётган қўли эҳтиром ва эътиборни ҳис қилдим. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир Абдулла Орипов туркий халқларнинг яна бир буюк вақили Чингиз Айтматов билан ғурурланиб, давраларда бот-бот унинг номини тилга оларди. Шоирнинг Чингиз Айтматовга бағишлаб ёзилган “Қирғиз диёри” шеъри ўзбек назм шинавандалари орасида ёд бўлиб кетган, қирғиз биродарига кўча-ю, бозор-ўчарда ҳам дуч келиб қолганлар уни дарҳол ёдга оларди. Минтақадаги давлатларнинг яқинлашуви, халқлар ўртасидаги азалий дўстлик муносабатлари мустаҳкамланиши зағрурлигини ҳамиша ҳис этиб келган бу улкан қалб соҳибларининг асарларида ҳам шу улғу фазилатлар тараннум қилинган. Уларнинг овозлари бугун ҳам қўлоқларимиз остида жаранглаб, бизни ҳўшёрликка даъват этиб турибди.

Жорий йилда Абдулла Орипов асарларини нашр этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2 жилдли “Танланган асарлар”, Абдулла Ориповнинг жамоатчиликка эълон қилинмаган илк шеърлари асосида тайёрланган “Шоирнинг туғилиши” тўплами, Абдуҳамид Эркаевнинг “Абдулла Орипов даҳоси”, шоир ҳақидаги хотиралардан иборат “Ўзбекистон — дилбар ватаним”, қорақалпоқ тилида “Оқар дарё”, туркман тилида “Сен бахорни соғинмадингми?”, “Абдулла Орипов замондошлари хотирасида”, “Менинг Ўзбекистони” (ўзбек, рус, инглиз тилларида) китоблари чоп этилди.

— Ўзбекистон ва Қўзғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўзининг юксак босқичига кўтарилаётган бугунги кўнда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари улғу шоирларнинг ўлмас мероси халқларимиз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади, — дейди Қўзғистон халқ шоири Ўлжас Сулаймон видеоалоқа воситаси орқали йўллаган кўтловда. — Айниқса, Абдулла Ориповнинг умуминсоний қадриятлар ва меҳр-оқибат туйғулари юксак пардаларда тараннум этилган етук бадиий асарлари барча туркий халқлар учун ноёб адабий ҳазина ҳисобланади.

Шунингдек, Озарбайжон Миллий Ўзарлар бирлиги раиси, халқ ёзувчиси Анор ҳам видео табрик йўллар экан, улғу ўзбек шоири Абдулла Орипов ижодининг ўзига хос адабий хусусиятлари ва ижодкорнинг фалсафий қарашлари ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

Адабий анжуманда Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби ўқувчилари атоқли шоир шеърларидан намуналар ўқиди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари эса шоир қаламига мансуб шеърларни инглиз, француз, немис, япон, хитой, корейс ва араб тилларида айтиб беришди.

Тантанали кечада эл ардоғидаги санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, Ўзбек давлат драма театри ижодий жамоаси томонидан сахналаштирилган “Йиллар армони” спектаклидан парча намойиш этилди.

Маълумки, улғу ижодкорнинг рафиқаси Ҳанифа Мустафоева 2019 йилда Президентимиз фармониға мувофиқ “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланган эди. Унинг умр йўлдошиға бағишлаб ёзган “Буюк халқнинг юрағида яшайсиз!” номли шеъри адабий кеча иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси муаллифи Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган анжуманда йиғилганлар яна бир бор улғу шоирнинг бетакор шеърятига ошно бўлди. “Сенсан номус ва шаъним маним, Ўзбекистон ватаним маним!”, дея ғурур билан қуйлаган устоз шоиримизнинг Ватан ва миллат тараққийи тўғрисидаги ҳаётбахш ғояларидан баҳра олди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов иштирок этди.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОН

Пойтахтимизнинг “Халқлар дўстлиги” майдонида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Улғу халқ қудрати жўш урган замон” шиори остида тантанали байрам тадбири ўтказилди.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Халқимизнинг муқаддас қўшиғи, жонажон мадҳиямиз қабул қилинган кўнда бир текис саф тортган ички ишлар, Миллий гвардия ходимлари қалби ғурурга тўлгани аниқ. Санъаткорлар ҳам очик осмон остидаги сахна салобатидан ҳаяжонга тушгандек. Зеро, бундай тантанавор тадбирлар залвори сахнада суяги қотганларни-да ҳаяжонга солади, тўлқинлантиради.

Олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъат ва маданият намоёндалари иштирокидаги маъкур тадбир аввалида сўзга чиққанлар давлатимиз мадҳияси янраганда озод Ватанимизга нисбатан қалбимизда ғурур-ифтихор туйғуси жўш урши, бу садо азму шижоатли халқимизнинг кучига-куч бағишлаб, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига даъват этиши ҳусусида сўзладилар.

Дарҳақиқат, ҳар тонгни мадҳиямиз садолари остида қарши олар эканмиз, кўнгилларимиз янги кўнга, истиқлолга ва бугунги тинч-осойишта ҳаётимизга шўқроналик, келажакка ишонч туйғуси билан тўлқинланади. Мадҳия юртимиз келажиги бўлган ёшларимиз қалбига Ватанга садоқат, миллий ўзлигимизга чўқур ҳурматни шакллантиришда, фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб камол топишида муҳим тарбиявий восита ҳисобланади.

Тадбир доирасида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган “Менинг фарзандим — Ўзбекистон фаҳри” акцияси доирасида ҳар бир ҳудуддан аниқланган энг фаол, интилувчан 5 нафардан йигит-қиз ҳамда уларнинг ота-оналари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, “Ватаним мадҳиясини қуйлайман” мавзусида ташкил этилган видеолавҳалар танлови доирасида 4 та номинация — “Давлат мадҳиясини энг яхши қуйлаган оила” (Наманган вилояти Ўйчи туманидан Нишоновлар оиласи), “Давлат мадҳиясини энг яхши қуйлаган мактаб” (Жиззах вилояти заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати), “Давлат мадҳиясини энг яхши қуйлаган меҳнат жамоаси” (Ички ишлар вазирлиги жамоаси) йўналишларида ғолиб ва рағбатлантирувчи ўрин эгаларига телевизор, ноутбук, планшет каби қимматбаҳо совғалар топширилди.

Давлатимиз мадҳиясининг 29 йиллик тантанасида Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари ва Миллий гвардия ҳарбий оркестрлари, профессионал ҳарор жамоалари, эстрада хонандалари ижросида Ватанин тараннум этувчи ғўзал куй-қўшиқлар янгради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эрқулованинг “Мадҳиям” қўшиғи садолари остида ватанпарвар ўзбек ўғлонлари майдонни тўлдирганча денгиздек мавжланган улкан байроғимизни қўлларига тутиб борар экан, миллий давлатчилигимиз тимсолларига бўлган муҳаббатни ҳар қачонгидан теранроқ ҳис қилдилар, десак хато бўлмайди.

Давлатимиз мадҳияси қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маънавий-маърифий кечалар ўтказилди, мадҳия чепленклари давом этди. Энг муҳими, одамларимиз бугун нимани ва нима учун тантана қилаётганимизни англаб етাপти. Зеро, миллий ғурур, миллий рағбат — давлатчилигимиз асосларига чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан юксалади.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Дидингизга ёқиб, кўзингизни қувнатган бир кийимни ҳавас билан сотиб олсангиз-у, бир ювилгандаёқ аслини йўқотиб, рангидан тонса, қай ҳолга тушасиз? “Арзон ёғнинг шўрваси татимас”, лекин ўша матоҳни фалон пулга олган бўлсангиз-чи?

Муножат РАҲИМЖОН қизи,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Жинси мато, атласу адрасларни ҳеч қачон иссиқ сувға солиб ювмаймиз, чунки уларнинг ранги чиқишини яхши биламиз. Аммо рангини йўқотиши ҳаёлимизга ҳам келмаган аксарият кийимларни билмасдан иссиқ сувға солиб қўйсақ борми, сувимиз бир тоғора бўёққа айланади.

Онам раҳматли атлас, адрас кийган аёлларга роса ҳавасманд бўлиб, “Болам, адрасдан қуйлаб тиктириб киймайсанми”, деб қўп айтар эди. Узи қимматбаҳо бўлгани билан ювилганда рангсизланиб қолишини айтганимга қадар ўзига ўзи жавобан, “Ловуллаб қўрингани билан бир марталиги ёмонда, ранги ўчиб кетса, ундан хунук мато йўқ”, деб қўя қоларди.



ФАРҒОНАНИНГ ҚЎШТЕПАСИ — асл миллий матолар ва гиламлар маркази

Тўғриси ҳам шу. Аксарият атласу адраслар бир ювилганича энгнингизда қўзни яшнатади. Ювилгач эса хира тортиб қолади. Балки ўзимиз бундай матоларни ювиш қоидасини билмасмиз. Нима бўлганда ҳам атласу адрас тўқиётган ҳўнармандлар миллий матоларимиз сифатига ишонч билан жавоб бера олишлари керак. Айниқса, улар чет элга экспорт қилинаётган бўлса.

Асли касби шифокор бўлган Илҳом Давлетов ўзи тўқиётган кашта-ю атлас-адраслар сифатига жавоб берадиган ҳўнарманд. У Фарғонанинг Қўштепасида табиий бўёқлардан миллий матолар ва гилам тўқишни йўлга қўйди. Утган йили Қашқадарё вилоятининг Косон туманида қўллаб қизлар, аёлларга ўз ҳўнарини ўргатиб қайтди.

Фарғонада 14 та ҳўнармандлик маркази очилган. Илҳом ака ҳам шуларда иш бошлаган. 1992 йилдан буюн каштачилик билан шўғулланиб, охириги 10 йилда гиламчиликка, миллий матолар, аёло баҳмал тўқиш, шунингдек, миллий либослар тикишга киришган қаҳрамонимизнинг айтишича, у бошчилигида тўқилаётган миллий атласу адрас, аёло баҳмалларни қайноқ сувға солсангиз ҳам ранги чиқмайди. Табиий бўёқлар жуда қамайиб кетган айна пайтда Илҳом ака сингари уста бўёқчиларнинг маҳоратидан унумли фойдаланиш айна мудоао.

Ягона омил — назарий билим

Ҳўнармандлик асли касби шифокор бўлган Илҳом Давлетовнинг қонида бор.



Қарийб 30 йилдан буюн шу соҳанинг устасига айлангани ҳам шундан бўлса керак. Айниқса, кимёни яхши билгани, молекулар таркибини тушушгани унга табиий бўёқлардан мато тайёрлашда қўл келди.

Илҳом ака рангларни ўсимликлардан олади, бўёқларга ҳеч қандай кимёвий модда қўшмайди. Зеро, қадимий бўёқлар ҳам асосан анор пўсти, испарак, рўян каби ўсимликлардан олинган. Фақат қирмизи (қошнелъ), нил (индиго) бўёқлари четдан келтирилган. Бунчи қаранги, ипакни қора рангга бўяш учун муайян миқдордаги анор пўстига ва темир қириндиси мунтазам аралаштириб турган ҳолда кун давомида қайнатилар экан. Ишқордан олдин қайнатиб олинган ипак тайёр аралашмага солиб қўйлади.

Индигодан бўёқ олиш усули жуда оддий. Қадимий усуллардан бири индиго баргларини махсус чўқурликка йиғиш ва оёқлар билан зизишди. Индиго индиқан моддаси экстракциясини олиш учун ўсимлик баргини сувда сиқиш керак.

Яшил, сариқ, қизил ранг олиш учун нима қилиш керак, улар қайноқ сувда ҳам рангини йўқотмаслиги учун нималар талаб қилинади — буларнинг барини Илҳом ака илмий китоблардан ўрганади. Назарияни амалиётга тўғри татбиқ эта олади. Шунинг учун ҳам унинг матолари ўз рангини йўқотмайди. У бунни бемалол исботлаб беради. Ваҳоланки, қўллаб ҳўнармандлар тўқиган матосининг ранги қимчаслигини айтса-да, нималардан фойдаланганини асослаб, кўрсатиб бера олмайд.

— Бизда ёнғоқ пўсти, анор пўчоги асло исроф бўлмайди, аксинча, улардан табиий бўёқ олишда фойдаланамиз, — дейди ҳўнарманд. — Қолган ўтларга эса, буюртма берамиз. Испарак ўзимизда бор, тоғда усади. Тўғри, бизда табиий бўёқ олинадиган ўсимликлар етиштириш эндигина йўлга қўйилляпти. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Тошкент вилоятларида индигофера ўсимлигини экиб қўришди. Ўзимиз ҳам сотиб олиб фойдаландик. Албатта, чет давлатларникидан икки баробар арзонига ўзимизнинг ҳомашени сотиб олганимиз бизга анча енгиллик бўлади.

Рағбат янги ғояларга куч беради

Ипак гилам ва каштачилик маҳсулотларига Европа ва АҚШда талаб катта. Бунчи яхши билган Фарғона вилояти раҳбарлари Қўштепа туманидаги “Қамилтепа” МФЙда иш бошлаган Ҳўнармандлар маркази фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр. Бу эса Илҳом Давлетов сингари ҳўнармандларга рағбат берайтир.



Матолар нақши, дизайнини ҳам Илҳом аҳанинг ўзи танлайди. Ранглар эса, рангли қаламлар ёки компьютерда кўрсатилади. Ўшга қўли келиб қолган қизлар унга ёрдам беради.

Айни пайтгача марказда Ўзбекистон халқ амалий санъати усталари миллий каталогига киритилган Илҳомжон Давлетов ва унинг турмуш ўртоғи, моҳир каштадўз Нарғиза Шерхўжаева томонидан ипак гилам ва миллий мато тўқиш ҳамда каштачилик устоналарига “ўста-шогирд” анъанаси асосида 100 дан ортиқ шогирд жалб қилинган бўлиб, маҳаллий аёлларнинг бандлиги таъминланмоқда. Айни кўнда 32 нафар хотин-қиз каштачилик сирларини ўрганипти.

— 20 касанани ҳам олдик, — дейди уста. — Зўкко, зеҳни қизлар, аёллар ҳўнар сирларини 3 кун — 1 ҳафтада ўрганиб олади. 15 кун — бир ойда ўрганадиганлари ҳам бор. Аммо гилам тўқишни ўрга-

ниб олиш учун 2-3 ой вақт керак. Табиий рангда тўқилган гилам ва кашталарга чет элда талаб катта. Шу боис, гиламчиликни қанча ўргатсақ, шунча яхши.

Ҳа, азалдан ҳўнармандлар замини бўлган Фарғона вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва улар ўртасида тадбиркорлиқни ривожлантиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга ошириш тўғрисида”ги, Президентимизнинг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жаҳият ҳаётидаги фазоли иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросига жадал киришилгани ҳудудда ишсизлик муаммосини ҳал этишга қаратилган ишонқли қадамлардан биридир. Шўбҳасиз, бундай эзгу одимлар юртимизнинг ҳар ғўшасига фаровонлик бахш этади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайд.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер маҳказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашир индекси — 236. Буюртма — 4085.

75974 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона маъмили: Ўзбекистон, 100060.

Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.

Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиҳ: Малухат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98

Котибият: (0-371) 233-56-60

Эълонлар: (0-371) 233-57-15

E-mail: info@yuz.uz

Ўза яқуни — 23:30 Топшириқ — 00:25